

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

ИСТИҚЛОЛ
ИМКОНИАТЛАРИ8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИМЕХНАТ
МУХОФАЗАСИ
ТИЗИМИ
ТАКОМИЛ-
ЛАШМОҚДА

Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 37-моддасидан.

Жорий йилнинг 22 сентябрида имзоланган янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги қонун меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат 2016 йилнинг декабрь ойидан қуча қиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси томонидан қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш масалаларига бағишланган тадбир ташкил этилди. Унда Меҳнат вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, турли идоралар вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Ё.Умаров ва бошқалар мамлакатимизда аҳоли фаровонлигини юксалтириш, фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш учун зарур шарт-шaroит яратиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли иш-хотлар улкан натижалар бераётганини таъкидлади.

Янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги қонунда ҳодимларнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлигини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза этиш соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг шу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштиришга доир қатор вазифалар белгиланган.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат соҳадаги муносабатларни тартибга солиш, инсоннинг меҳнат жараёнидаги ҳавфсизлиги, сиҳат-саломатлигини таъминлаш борасидаги қорат-тадбирларни рўйбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

Ушбу қонунга мувофиқ энди ташкилотларда меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ташкил этилади. Бундан қўзланган мақсад меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг ба-жариллигини устувида назоратини амалга оширишдан иборат. Эликти ва ундан ортиқ транспорт воситаси мавжуд бўлган ташкилотларда йўл ҳара-кати ҳавфсизлиги хизмати ташкил этилади ёки йўл ҳаракати ҳавфсиз-лиги бўйича мутахассис лавозими жорий қилинади.

— Янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»-ги қонун фаолиятимизни янада самарали ташкил этишда муштаҳам ҳуқуқий асос бўлиши шубҳасиз, — дейди Ўзбекистон Касаба уюшма-лари федерацияси кенгаши бўлим мудирини Нодира Каримова. — Ушбу қонунда ҳодимлар вакили ҳисоб-ланган касаба уюшмалари ваколат-ларини янада қучайтириш белги-ланган.

Тадбирда соҳага оид қонунчи-лики янада такомиллаштириш, ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъ-минлашда давлат ва нодавлат таш-килотлари олдидаги устувор вази-фалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Г.САТТОВА,
ЎЗА мухбири.ЎЗБЕКИСТОН МЕВА-САБЗАВОТЛАРИГА
бутун дунё харидор

Хорижлик мутахассисларнинг эътирофича, диёримизда етиштирилаётган мева-сабзавот, узум ва полиз маҳсулотлари хуштаъмлиги, сархиллиги, энг асосийси, табиийлиги, фойдали ва тўйимлили-ги билан минтақа ҳамда жаҳон бозорида жуда харидоргир ҳисобланади. Ўзбекистон ўрик, олхўри, узум, ёнғоқ ва бошқа қўллаб қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини четта экспорт қилиш бўйича дунё-да етакчи ўн та давлатдан биридир.

Шу ўринда, ўз-ўзидан ҳақли бир савол туғилади: Ҳўш, табиатнинг бундай марҳаматию инъомидан унули фойдалана олая-мизми?

Жорий йилнинг 8-10 ноябрь кунлари Тошкентда «Ўзэкспомарказ» АЖ кўргаз-ма мажмуасида ўтказилган I Халқаро мева-сабзавот яр-маркаси мавжуд имконият-лардан янада тўлақонли фой-даланиш кераклигини кўр-сатди.

— Ушбу ярмаркани ўтқа-зишдан асосий мақсад, ав-вало, мамлакатимизнинг мева-сабзавот етиштириш бўйича салоҳиятини бутун дунёга кўрсатишдир, — дей-ди Иқтисодиёт вазирлиги қишлоқ ва сув ҳўжали-ғини ривожлантириш бош-қармаси бошлиғининг ўринбосари Ферузахон Абдусаматова. — Шунинг-дек, чет эллик ҳамкорлар бил-ан Ўзбекистонда етиштири-лаётган сабзавот, мева, узум ва полиз маҳсулотлари экс-порти борасида узок муддат-ли, ўзаро манфаатли ҳамкор-лик алоқаларини ўрнатиш, ҳўл ва қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотларининг экспорт микдори ва турла-рини янада қўпайтиришдан иборатдир.

Дарвоқе, ярмарка ташки-лотчилари «Ўзбекэкс-порт» АЖ, «Ўзвиноса-натхолдинг» АЖ, «Ўзагро-экспорт» АЖ ҳамда «Халқ-аро мева-сабзавот ярмар-каси Дирекцияси» томони-дан ташки бозорларга жами 1 миллион тоннадан зиёд ҳўл ва 30 минг тоннадан ортиқ қайта ишланган мева-сабзавот маҳсулотлари ет-казиб бериш бўйича экспорт шартномаларини тузиш ва келгуси йил учун бюртма-лар портфелини шаклланти-риш кўзда тутилган эди. Шунингдек, мазкур тадбир мева-сабзавот маҳсулотла-ри ишлаб чиқарувчилари билан уни қайта ишловчи ва экспорт қилувчи ташкилот-лар ўртасида узок муддат-ли барқарор кооперация му-носабатлари тизимини бар-по этишни янада такомил-лаштиришга ҳам хизмат қилади.

Ярмаркада мамлакат ме-ва-сабзавотчилик соҳасининг иқтисодий ва инвестициявий салоҳиятини ўзида акс

этирувчи стенд ва экспози-циялар ташкил этилган. Шу-нингдек, юртимиз фермер, деҳқон ҳўжаликлари, агро-фирмалар ва қайта ишлаш корхоналари томонидан иш-лаб чиқарилган ҳўл ва қури-тилган мева-сабзавот маҳсу-лотларининг сара турлари намойиши ташкил этилди.

«Ўзэкспомарказ» кўргазма мажмуасининг биринчи па-вильонига Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят-ларда етиштирилган сархил мева-сабзавотлар жойлашти-рилди. — Фермерларимиз қовун, қизилмия илдизи экстракти, қунжут, мош, ловия каби маҳ-сулотлар етказиб бериш бўйича Германия, Хитой, Жа-нубий Корея, Туркия, Ироқ, давлатларида келган меҳ-монлар билан қўллаб импор-т шартномалари тузишга му-ваффақ бўлди, — деди Қо-рақалпоғистон Республикаси Иқтисодиёт вазири Сайлау-бай Дониоров. — Энг асо-сийси, хорижликлар жойлар-

«Тан олиш керак, юртингизда етиштирилаётган мева-сабзавотлар инсон соғлиғи учун жуда муҳим бўлган микроэлементлар ва озик-овқат рациониди ўрнини алмаштириб бўлмайди турли биологик моддаларга бой, бунинг устига, уларнинг сифати юқори, асосийси, экологик тоза ва хавфсиз».

да тадбиркорларимиз билан тўғридан-тўғри шартномалар тузиб, ўзаро манфаатли ало-қаларни мунтазам йўлга қўйишга келишиб олишди.

— Жорий йилнинг 26-27 октябрь кунлари Республика-мизнинг барча вилоятларида ҳудудий мева-сабзавот ярмар-калари ўтказилди — дейди Фарғона вилояти ҳокимли-ғи ҳудудлари комплекс ривожлантириш йўғма бошқармасининг қишлоқ ҳўжалиги бўлими бошлиғи Фарход Акбаров. — Унга қўра, вилоятимизда фаолият кўрсатаётган 45 экспортёр корхоналар билан фермер ҳўжаликлари ўртасида умумий қиймати 170 миллион АҚШ долларини микдорига ҳамкор-лик шартномалари имзолан-ди.

— Серкўёш юртингизда етиштирилаётган меваларни,

айниқса, олмани яхши кўра-ман, — дейди Россия Фе-дерациясининг «НАОРЦ» (Улғуржи таксимот мар-казлари миллий уюшмаси) ижрочи директори Влади-мир Лешук. — Кўргазма бизга келгусидаги ўзаро ман-фаатли ҳамкорлигимиз учун янгида фойдали бўлди. Тан олиш керак, юртингизда етиштирилаётган мева-саб-завотлар инсон соғлиғи учун жуда муҳим бўлган микро-элементлар ва озик-овқат ра-циониди ўрнини алмаштириб бўлмайди турли биологик моддаларга бой, бунинг ус-

тига, уларнинг сифати юқори, асосийси, экологик тоза ва хавфсиз. Бу, биз — ҳамкор-лар учун жуда ҳам муҳим жи-хат ҳисобланади.

Ярмаркага таширф буюр-ган Россия Федерацияси қишлоқ ҳўжалиги вазири-нинг биринчи ўринбосари Евгений Громико маҳаллий оммавий ахборот воситала-рига берган интервьюсида жумладан шундай деди: Ўзбекистонда барча соҳалар қатори қишлоқ ҳўжалиги, мева-сабзавотчилик ҳам жа-дал ривожланимда. Мамла-катингизда озик-овқат маҳ-сулотлари етиштириш жара-ёнининг барча босқичи за-монвий талаблар асосида, хавфсиз технологиялар во-ситасида амалга оширила-ди. Шу боис, мева-сабзавот маҳсулотлари сотиб олиш ҳажмини янада ошириш,

Ярмаркада АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Ко-рея, Япония, Малайзия, Ҳин-дистон, Россия, Латвия, Эрон, Афғонистон, Қозғос-тон, Қирғизистон каби

ларни томоша қилди. Бу каби саёхат-лар ёш авлодни халқимизнинг бета-рор маданий меросига ҳурмат ва эҳти-ром руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, акция доирасида Яшнобод туманидаги 52-имконияти чекланган болалар учун ихтисослаш-тирилган мактаб-интернатнинг 165 на-фар тарбияланувчиси тиббий кўрик-дан ўтказилди.

— Мамлакатимизда ёш авлоднинг хар томонлама баркамол улғайиши учун давлат дастурлари асосида изчил ишхотлар амалга оширилмоқда, — дейди Ибн Сино жамоат фонди бош-қаруви раиси вазифасини бажарувчи

узок муддатли ўзаро манфа-атли ҳамкорликини изчил ри-вожлантириш ва мустаҳкам-лашдан манфаатдормиз. Мазкур ярмарка мамлакат-ларимиз ўртасидаги ҳамкор-ликини янада ривожланти-риш, ўзаро фикр ва тажри-ба алмашиш имконини бе-ради.

«Ўзэкспомарказ»нинг учинчи ва тўртинчи павиль-онлари мева-сабзавотлар-ни қайта ишлаш, қадоклаш, сақлаш ва экспортёр корхо-налар, савдо логистика мар-казлари ва совутгич ком-плекслари мутасаддилари ҳамда мутахассислари билан гавжум бўлди.

Унда ҳўл ва қуруқ мева-лар, сабзавотлар, қўкатлар, полиз экинлари, дуккакли ўсимликлар, ёнғоқлар, зира-ворлар, ичимликлар, қадок-лар ва қадоклаш технология-лари, транспорт ва логисти-кага оид бўлимлар ўрин эгал-лади.

Бугунги кунда биргина Ан-дихон вилоятининг Жалақудук туманида меваларни экспорт қилувчи 4 йирик корхона мав-жуд бўлиб, улар 70 тоннадан тортиб, 150 тоннагача ҳажм-даги ўнга яқин мевани сақ-лайдиган музлатич ва омбор-хоналарга эга. Шунингдек, ту-манда мева-сабзавотларни қайта ишловчи 2 корхона са-марали фаолият юритмоқда.

Ярмарка мобайнида ҳўл ва қайта ишланган мева-сабза-вот маҳсулотларини ўрта му-датларда тўғридан-тўғри ет-казиб бериш тизимини кен-гайтириш бўйича давра суҳ-батлари ўтказилиб, ўзаро фикр алмашилди.

Ярмаркада АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия, Франция, Бирлашган Араб Амирликлари, Жанубий Ко-рея, Япония, Малайзия, Ҳин-дистон, Россия, Латвия, Эрон, Афғонистон, Қозғос-тон, Қирғизистон каби

30 дан зиёд мамлакат қайта ишлаш ва савдо компания-лари, савдо ташкилотлари, савдо-саноат палаталари, қишлоқ ҳўжалиги йўналиши-даги вазирлик ва идоралар, логистика компаниялари ва-киллари иштирок этди.

«Ўзагроэкспорт» ихтисос-лаштирилган ташки савдо компанияси маълумотларига қўра, ярмарка яқунлари бўйича қиймати 1 миллиард доллардан зиёд бўлган 1,4 миллион тонна мева-сабза-вот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича 355 шартно-ма имзоланган. Экспорт қилинаётган маҳсулотлар-нинг 32 фоизини сабзавот, 16,6 фоизини узум, 25 фои-зини мева, 13,7 фоизини дуккакли экинлар ва полиз маҳсулотлари, 13 фоизини қуритилган ва қайта ишлан-ган маҳсулотлар ташкил қилади.

— Ўтган сафарги Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил қилиш ва ўтказишда баъзи бир камчиликларга йўл қўйилган эди, — дейди «Ўзагроэкспорт» ихтисос-лаштирилган ташки савдо компанияси раҳбари Жа-мшид Холмухамедов. — Бу йил уларни бартараф этиш-га ҳаракат қилдик. «Ўзагро-экспорт» ихтисослаштирил-ган ташки савдо компания-си ташкил қилингандан буюн бир қатор йирик хорижий ҳамкорлар топишга эриш-дик. Жаҳон бозорида ўз ўрнинини мустаҳкамлашга ҳаракат қиламиз. Қувонарли-си шуки, ярмаркага таширф буюрган чет эллик меҳмон-лар билан тузилган шартно-маларнинг қутилганидан 40 фоизга қўплиги ярмаркадан қўзланган мақсадга эришил-ганлигини кўрсатиб турибди.

Обиддин МАХМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Н.Махмудов. — Жорий йилда бу бора-даги ишлар қўлами янада кенгайди. Аналик ва болаликини муҳофаза қилиш, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича олиб бори-лаётган ишларда фондимиз ҳам фаол иштирок этмоқда. «Ўзбекистон — Фран-ция» дўстлик жаияти, Ҳиндистоннинг «Bravo Pharma» компанияси ҳамда Тош-кент врачлар малакасини ошириш ин-ститутини билан ҳамкорликда ўтказилган тиббий кўрик ҳам ушбу йўналишдаги ишларимиздандир.

Акция доирасида эҳтиёжманд оила-лар фарзандлари, ногиронлар холи-дан хабар олинди. Уларга ижтимоий ёрдам кўрсатилиб, маънавий қўллаб-қувватланди. Мамлакатимизда амал-га оширилаётган кенг қўламли иш-хотлар, улар бераётган улкан самара-лар хусусида маълумот берилди.

Моҳигул КОСИМОВА,
ЎЗА мухбири.ЎЗГАРАЁТГАН
ДУНЁ

2040 ЙИЛГАЧА


жаҳон энергетикасига 44
триллион долларлик
инвестициялар киритилади

Халқаро энергетика агентлиги томонидан тайёрланган World Energy Outlook йиллик шарҳида ушбу маълумот келтирилган. Агентлик таҳлилчиларининг тах-мин қилишича, ис газининг атмо-сферага чиқарилишини қисқарти-риш бўйича олиб бориладиган фаол чоралар чикиндиларнинг қўпайиши суръатини 2,4 фоиздан 0,5 фоизгача тушириши ва қайта тикланувчи энергия манбалари улушини қўпайтиришга олиб ке-лиши керак.

ЕВРОСИЁДАГИ ЭНГ
БАЛАНД
ВУЛҚОН ЙЎҒОНДИ

Европа ва Осиё минтақасидаги энг баланд вулқон ҳисобланувчи «Ключевская сопка» қўлар усту-нини 6 километр баландликка отиш билан ўғонди. Ушбу ҳодиса 17 ноябрь кунини содир бўлди. Тоғ баландлиги 4850 метрдир. Бу ҳақда, РИА Новости ахборот агент-лиги хабар қилмоқда.

Россия ФВБнинг Камчатка ўлка-си Бош бошқармаси маълумотла-рига қўра, қўлнинг аҳоли турар-жойларига тушиши қўзатилмаган. Авалроқ, Камчаткадаги яна бир вулқон «Шивелуч» қўли 7 кило-метр баландликка отгани хабар қилинган эди.

АСТРОНОМЛАР
думалоқ юлдузни
топишди

Германиялик олимлар Ердан 5 минг ёруғлик йили ўзқилиғида жойлашган секин айланувчи юл-дузнинг сатҳини ўлчашга муваф-фақ бўлишди. Юлдуз астрономлар учун қўлланмада маълум бўлган само жисмларидан энг думалоғи бўлиб чиқди. Бу ҳақда ad- vances.sciencemag.org сайтида эълон қилинди.

Маълумки, марказдан қочувчи қуч исталган айланувчи жисмнинг шаклини ўзгартиради. Шу боис, қўтба Ер марказидан унинг сир-тигача масофа экватордагига нис-батан 21 километрга қичик. Қўтба-ларда нафақат Ер, балки Қўёш ва бошқа юлдузлар ҳам япалоқ шакл-га эга.

Тахассислар 4 йил мобайни-да тўпланган маълумотлардан фойдаланиб, юлдузнинг қўтб ра-диуси унинг экваториал радиуси-ниқидан бор-йўғи 3 километрга қичиклигини аниқлашди. Бу юлдуз жуда улкан бўлиб Қўёшдан 2,2 марта катта. Бундай катта ўлча-ма нисбатан 3 километрга япалоқ-ланганлик эса жуда қичик кўрсат-кичидир.

Олимларнинг таъкидлашича, олис юлдуз ўз ўқи атрофида 80 кун ичида бир марта, Қўёш эса 27 кунда бир марта тўлиқ айланади.

Тошкент давлат юридик универ-ситети жамоаси Жиноят ҳуқуқи кри-минология кафедраси ўқитувчиси Комил Ҳакимовга отаси Бахтиёр ҲАКИМОВнинг вафоти муносабати билан чўқур таъ-зия изхор қилади.

4 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ КУНИ

«Аҳоли бандлигини таъминлаш — энг асосий бурчимиз»



МАҚСАДИМИЗ — ХАЛҚИМИЗ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЯНАДА ОШИРИШ!



ХАТАМЖОН КЕТМОНОВГА ОВОЗ БЕРИНГ!

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ!

Кўриқлаш хизмати: ишончли ва кафолатли

Республика Ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бўлими давлат миқёсида моддий-товар бойликларни кўриқлашни амалга оширувчи ягона ташкилот ҳисобланади.

Мустиқиллик даврида кўриқлаш хизматининг ривожланиши ва тараққий этиши бевосита республикамизда мулкчиликка бўлган муносабатнинг ўзгариб бориши билан боғлиқ кечди. Шу билан бир қаторда кейинги йилларда терроризм балосининг жаҳон бўйлаб зўрайиб бориши, ҳусусан, Ватанимизда ҳам бир неча ёвуз тажовузларнинг амалга оширилгани ушбу хизматни ўз фаолиятини такомиллаштириб боришга, юзага келган вазиятга мослашишга ундади.

Истиқдолнинг дастлабки йилларида кўриқлашнинг энг ривожланган тури қоровуллик саналар эди. Милиция кўриги кам эди. Маълумки, қоровул кўригининг техник таъминоти, ишончилилик даражаси ва самардорлиги милиция кўригига нисбатан анча паст бўлган. Шундан келиб чиққан ҳолда, хизматни таркибий жиҳатдан қайта ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилиб, боқичма-боқич қоровуллик таркибидан воз кечилди. Кўриқлашнинг ишончли тури — милиция кўриги қучайтириб борилиди, унинг кўригидаги объектлар сони ортди.

Бундан ташқари, ўтган йиллар давомида кўриқлаш хизмати томонидан жиноятчиликка

қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилган тадбирларнинг ҳам самардорлиги ошди.

Кўриқлаш хизмати ходимларининг мамлакатда жиноятчиликка қарши курашиш, унинг олдини олиш, хавфсизликни таъминлаш борасидаги фаолияти Республика раҳбарияти томонидан ўз вақтида эътироф этилмоқда. Хусусан, ўтган йиллар давомида кўриқлаш хизматининг қатор ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирлангани фикримиз тасдиғидир.

Айни пайтда кўриқлаш бўлимида моддий-техник таъминотини яхшилаш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда хизмат автопарки замонвий автотранспорт воситалари билан тўлиқ қайта жиҳозланди.

Булардан ташқари, соҳа ходимларининг ишлаши, ўқиши ва хизмат ўташлари учун шарт-шароитлар яратиш маъноси ҳам ижобий ечим топилди. Натижада янги бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Хусусан, «Кўриқлаш» бирлашмаси, Тошкент шаҳар, Тошкент, Навоий, Самарқанд, Сирдарё, Хоразм вилоятлари кўриқлаш бошқармалари замонвий биноларга кўчиб ўтди.

Кўриқлаш-ёнгиндан огоҳлантириш, сигнализация воситаларини замонвийлари билан алмаштириш борасида ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилди.

Кўрилган чоралар натижа-сида бугун бу хизмат фаолиятида микроэлектроника ва микропроцессор техникасининг энг сўнгги ютуқларига асосланган асбоб-ускуналардан фойдаланилмоқда. Бу эса ўз навбатида, кўриқлашнинг самардорлиги, ишончилиги даражаси ва таннархига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўтган йиллар давомида кўриқлаш хизмати томонидан жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш борасида амалга оширилган тадбирларнинг ҳам самардорлиги ошди.

Бугунги кунда кўриқлаш энг замонвий техника воситалари, жиҳозлар билан таъминланган хизматлардан ҳисобланади. Ҳозир ушбу йўналишда техник кўриқлаш пульсларини тўлиқ компьютерлаштириш, радио-тўлиқ орқали кўриқлашни жорий этиш йўлида изланишлар олиб боришмоқда.

Мамлакатимизда илгор, замонвий кўриқлаш техника



воситаларини жорий этиш ва ишлаб чиқарилишини тарғиб этиш мақсадида икки марта халқаро «Хавфсизлик» семинар-кўргазмалари ташкил этилди.

Хизмат хўжалик ҳисобида фаолият кўрсатиши ва иқтисодиёт билан бевосита алоқадорлиги сабабли мунтазам равишда изланишлар олиб бориляпти. Бўлимларини қайта жиҳозлаш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Асосий эътибор техник кўриқлаш пульсларини сўнгги техникалар билан қайта жиҳозлашга ва эскиларини алмаштиришга қаратилган. Жумладан, яқинда Тошкент шаҳрида янги хабар узатиш тармоқлари синовдан муваффақиятли ўтди.

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек, Учтепа ва Чилонзор туманлари ИИБ ҳузуридаги кўриқлаш бўлиmlарининг техник кўриқлаш пунктларига замонвий интеграллаштирилган маълумотни узатувчи ва қабул қилувчи қурилмалар ўрнатилди.

Тошкент шаҳар ИИББ ҳузуридаги «Кўриқлаш» бошқармаси марказий пункти замонвий техника воситалари билан жиҳозланган.

— Сизлар кўриб турган экранда Мирзо Улуғбек, Учтепа ва Чилонзор тумани кўриқлаш бўлиmlарини фаолиятини назорат қиламан, — дейди марказий кўриқлаш пульти диспетчери Елена Жаворонкова. — Қолаверса, пойтахтимизда-

ги кўриқлаш хизматининг қўлга олиш гуруҳлари ҳаракати экранда кўриниб туради. Биз керакли пайтда уларга йўл-йўриқ кўрсатамиз.

Яна бир масалани алоҳида таъкидлаш лозим, республика Ички ишлар идоралари ҳузуридаги кўриқлаш бўлиmlари шахсий таркибининг касбий маҳорати ва малакасини оширишга жиддий эътибор бериляпти. Кўрилаётган чора-тадбирлардан қўзланган мақсад — халқимиз озоишпалигини таъминлаб, давлат ва фуқаролар мол-мулкни ишончли ҳамда кафолатли кўриқлашдир.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДИҚҚАТ, ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ КУНЛАРИ!

Ҳурматли ҳамюртлар!
Маълумки, қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи бирмунча кўпаяди. Бу ёнгин хавфи ортишига сабаб бўлади.

Жорий йилнинг 10 нояб-ридан 2017 йилнинг 10 январига қадар мамлакатимизда «Ёнгин хавфсизлиги кунлари» ўтказилади. Ушбу тадбирни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнгин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнгин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнгин хавфсизлигини мустахкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатдир.

Азиз ватандошлар!
Сиздан ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраган ҳолда таъкидлаймизки, бу даврда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ушбу тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкнингизни, уй-жойингизни ёнгиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнгин хавфсизлиги бош бошқармаси «Ёнгин хавфсизлиги кунлари» тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган ташаббускор юрtdошларимизга олдиндан миннатдорлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси
ИИБ
Ёнгин хавфсизлиги бош
бошқармаси.

Тошкент Гидрометеорология касб-хунар коллежи томонидан Ўстмухамедов Сардорбек Абдурахмонович номига берилган К№1427054 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Rustam KAMILOV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihiddin MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasi chop etildi.

Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159

9892

nuxxada

bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'zA yakuni — 21:37

Topshirilgan vaqti — 22:00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Temur XUDOYBERDIEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2030-7433

7 720 10 743 300 6

1 2 3 4 5 6